

2019 йил Қурбон ҳайити намозининг вақти



19:35 / 10.08.2019 3547

Ўзбекистон муслмонлари идораси Олий ҳайъати ҳижрий 1440 йил зулҳижжа ойининг биринчи куни 2019 йилнинг 1 августига тўғри келганини инobatга олиб, жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 2019 йил **11 август** (зулҳижжа ойининг 10 куни) якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қарор қабул қилди.

Шунга кўра, 2019 йил 11 август якшанба куни Қурбон ҳайити намози Тошкент вақти билан **05:45** да, бошқа жойларда намоз вақтидаги тафовутни инobatга олиб ўқилади.

Аллоҳ таоло Қурбон ҳайити намозини барчамиздан қабул айлаб, бу куннинг шарофати билан юртимизга Ўзининг файзу баракотини ато этсин!

Islom.uz портали таҳририяти